2005 YIL 27 DEKABR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 154 (6.991). Sotuvda erkin narxda

## Куннинг муҳим воқеалари

● **Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг пул-маблағларни қонунийлаштириб олиш ва террорчиликни молиялаштиришга қарши кураш учун масъул вазирлик ва идоралари вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Дунё мусулмонларининг қутлуғ айёмларидан бири - Қурбон ҳайити яқинлашиши муносабати билан диёримиз мусулмонлари ҳаж амалларини адо этиш ниятида Саудия Арабистонига йўл олдилар.**

● Токиода Осиё кредит рейтинг агентликлари уюшмаси (Association of Credit Rating Agencies in Asia - ACRAA) аъзоларининг ишчи симпозиуми ва йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузуридаги «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компаниясининг мазкур ташкилот аъзоси бўлиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

● **Бухорода республика қўғирчоқ театрларининг VII анъанавий фестивали бўлиб ўтди.**

● Тошкент давлат юридик институтида Япониянинг Нагоя университети билан ҳамкорликда Ўзбекистон ва Япониянинг конституциявий ҳуқуқи соҳасидаги замонавий ҳолат ва масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.

● **Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуасида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ аёллар спартакиадасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

● Кармана тумани марказидаги «Ёшлик» спорт мажмуасида бу йилги эришилган улкан ютуқларни кенг нишонлаш мақсадида «Ҳосил байрами» ўтказилди.

● **Янги йил арафасида Олмалиқ кон-металлургия комбинати Жиззах вилояти Фориш туманининг Банд шаҳарчаси туғруқхонасига махсус жиҳозланган «Дамас» автомашинасини совға қилди.**

● Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли Сув таъминоти, канализация тармоқлари, гидротехник иншоотлар ва инженерлик гидрогеологияси илмий-тадқиқот институтида ҳаво мусаффолигини таъминлашда табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда бошқа давлат ва жамоат муассасаларининг ҳамкорлигига бағишланган семинар бўлиб ўтди.



Навбаҳор туманидаги «Пахтакарвон» фермер хўжалигининг ташкил этилганига 6 йил тўлди. Қишлоқ мулкдори Абдуқаҳҳор Собиров фаолиятини 12 гектар ерда бошлаган эди. Ҳозир фермернинг ихтиёрида 65 гектар экин майдони бор. Тугаётган йилда 20 гектарида ғалла, қолган қисмида пахта етиштирди. Шартномавий режа пахта-ю ғаллада 120 фоизга уддаланди.

**СУРАТДА:** фермер Абдуқаҳҳор Собиров.

**Б. АКРАМОВ олган сурат.**

# Адолатнинг йўли ойдин

***Миришкор тумани тупроқ унумдорлиги жуда паст, чўл ҳудуди ҳисобланади. Қарши чўлининг Қизилқумга туташ бу ҳудудида жойлашган собиқ "Чандир" ширкат хўжалиги 2002 йилда тугатилиб, ерлар 74 та фермер хўжалиги ихтиёрига берилди.***

Ўшанда собиқ ширкат хўжалигида 1000 гектарга яқин ерга чигит қадалиб, 1800 тонна атрофида ҳосил саранжомланган. Фермерликка ўтилгач, яъни, 2002 йилда 2200 тонна, 2003 йилда 2340 тонна, 2004 йилда 2800 тонна, 2005 йилда 3000 тоннадан зиёд юқори сифатли пахта хом ашёси йиғиштириб олинди. Собиқ ширкат хўжалиги пайтида 1 гектар ер ўртача 17-18 центнер ҳосил берган бўлса, эндиликда ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 30-35 центнердан ҳам ортмоқда. 2005 йилда Чандирдаги фермерлар пахтачиликдан 1 миллиард сўмга яқин даромад олдилар. Бу ер ҳақиқий маънода ишнинг кўзини биладиган, асл деҳқонларга берилганининг самарасидир.




–Фермерликнинг афзаллиги бизнинг ҳудудимизда яққол кўзга ташланмоқда, - дейди чандирлик фермерлардан бири Мухтор Шаропов. – Масалан, мен раҳбарлик қилаётган "Янгибой" фермер хўжалиги мисолида айтадиган бўлсам, 42 гектар ердан бизнес-режа бўйича 90 тонна пахта етиштиришим керак эди. Бу кўрсаткич 170 тоннадан ошди. Ёки шартнома режаси 190 фоизга адо этилди. Шу ҳисобдан келаётган 55 миллион сўм даромаднинг камида 20 миллион сўми соф фойда бўлиши кутилаяпти. Ўтган йили 26 миллион сўмга "ВТ-150" русумли ҳайдов трактори сотиб олгандим. Бу йил комбайн олишни мўлжаллаб турибман. Энг муҳими, 12 кишини мунтазам иш билан таъминлаганмиз. Қувонарли жиҳати шундаки, ҳудудимиздаги фермер хўжаликларининг ҳаммаси ерга меҳрини берган ҳақиқий деҳқон эканлигини ўтган тўрт йил давомида намоён этишди.

Фермерликнинг тўла маънода ўзини оқлагани паст рентабелли ширкат хўжаликлари ўрнида пайдо бўлган фермерлар фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда. Ҳозирда Қашқадарё вилоятида 30 та ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиялари иш олиб бормоқда. Улар ерларни талабгорларга қонунда белгиланган тартибда, фақат танлов асосида берилишини, танловларнинг ошкора, жамоатчилик кузатуви остида, адолатли ва ҳаққоний ўтказилиши учун барча зарур чора-тадбирларни белгиламоқдалар.

Биз Миришкор туманида бўлиб, фермерликка айлантирилаётган "Миришкор" ширкат хўжалигида айни дамдаги ишлар билан қизиқдик.

–Бу йилги тендер танловларида ер эгаси янги низом асосида аниқланар экан, - дейди талабгорлардан бири Сайфулла Намозов. - Низом бандларини ўқиб кўнглим яйради. Жуда одилона иш бўлибди. Чунки ўзим 10 йил ишчи, 20 йил оилавий пудратчи бўлиб ишладим. Менга ажратилган 64 гектар майдоннинг бир қисмида пахта етиштириб, ҳар гектаридан 33 центнердан, ғалланинг ҳар гектаридан 58 центнердан ҳосил олдим. Танловда бизга ўхшаганларга имтиёз кўплигини билгач, танловда қатнашиш учун биринчилардан бўлиб ариза бердим.

–Бизнинг мақсадимиз одилона рақобат муҳитини яратишдан иборат, - дейди танлов комиссияси раиси Бобоқул Нурмаматов. – Ер илмини яхши эгаллаган, билимли, деҳқончиликда етарли тажриба тўплаган талабгорлар учун имтиёз катта. Рақобат кучли. Ер эгаси эртага ким бўлишини эса вақт кўрсатади.

–Уруғчилик учун хўжаликлардан 500 гектардан ер танловсиз қолдириляпти, деган гап-сўзлар юрибди, - сўраймиз комиссия раисидан.

–Тўғри, вилоятдаги Касби, Қарши, Ғузор, Қамаши, Чироқчи, Миришкор, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида тугатилаётган ширкат хўжаликлари ҳудудидан Элита уруғчилик лабораториялари ташкил этиш мақсадида ер ажратилаётгани бор гап, - дейди Б.Нурмаматов. – Бу ҳақда 2005 йил 10 ноябрда вилоят ҳокимининг қарори чиқди. Унга кўра Миришкор туманидаги фермерликка айлантирилаётган "Жейнов" ва "Миришкор" ширкат хўжаликларида ҳам ташкил этилаётган Элита уруғчилик лабораторияларининг ҳар бири учун 500 гектардан ер ажратилди.

Тумандаги "Жейнов" ширкатида ҳам тендерга тайёргарлик қизғин паллага кирди. Тугатиш комиссияси раиси Фурқат Ражабовнинг айтишича, фермерликка даъвогарлардан 400 та ариза тушган. Жами 4278 гектар ер 316 та лойиҳа бўйича танловга қўйилган. Бугунга қадар мавжуд мол-мулклар хатловдан ўтказилди. Дебитор ва кредитор қарзлар бўйича ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилмоқда.

Танлов иштирокчиларининг айтишича, тендер адолатли ва ошкора тарзда, кучли рақобат остида ўтади. Чунки ерга эгалик қилмоқчи бўлганларнинг деярли барчаси қишлоқ хўжалигида кўп йиллар ишлаган, тажрибали деҳқонлардир. Уларнинг ичидан қай бири қишлоқ мулкдорига айланиши тендердан сўнг маълум бўлади. Унгача бўлган йўлни босиб ўтишда адолат нури порлаб турса бас.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Таниш-билишчиликка йўл қўйилмайди

***Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган 215-сонли қарорига биноан Сирдарё вилоятида 5 та ширкат тугатилиб, ерлари фермер хўжаликларига берилмоқда. Хўш, ер эгаси эртага ким бўлади?***

Тугатилаётган ширкат хўжалигининг тўрттаси Сайхунобод туманида. Ана шулардан бири – "Бирлашган" ширкати.

–2005 йил 17 ноябр куни ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини ўтказиб, тугатиш тўғрисида қарор қабул қилдик, - дейди комиссия раиси Муҳаммаджон Бегимов. –Ер майдони 19 лойиҳага бўлинди. Унга эгалик қилиш умидида ариза берганлар сони эса 100 тага етди. Бундан кўриниб турибдики, фермерликка даъвогарлар кўп.

Комиссия томонидан дебитор, кредитор қарздорликлар ҳисоб-китоб қилиниб, барча мол-мулк хатланди. Талабгорлар ўртасида қандай ҳужжатлар тайёрланишию, тендернинг қай тартибда ўтказилиши хусусидаги тушунтириш ишлари йўлга қўйилди. Бу эса кутилган натижани беряпти.

–Олти йилки пудратчиман, -дейди фермерликка талабгорлардан бири Рустам Ҳамдамов. – 3-лойиҳа бўйича 26 гектарлик ерга даъвогарлик қилиб ҳужжат топширдим. Уч йилдан бери режани ортиғи билан бажариб келаман. Рақибларим ҳам илғор пудратчилар. Энди кимнинг имконияти юқори баҳоланса, ўша ер эгаси бўлади. Бунда танлов ошкора, холис ва ҳаққоний бўлишига ишонаман. Негаки, Юртбошимизнинг ўзлари ерни ишлата оладиган ҳақиқий деҳқон олсин, деб турибдилар. Таниш-билишчилик иллатини даф қилиш борасида куйиб гапиряптилар.

–Ҳар бир талабгорга танлов ўтказиш борасидаги низомнинг моҳиятини тўғри тушунтириб бериш керак, - дейди вилоят адлия бошқармасининг шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи Абдумурод Қўзиев. – Ана шунда тушунмовчиликлар бўлмайди. Фермерликка иштиёқмандлар имкониятларини аввало ўзлари баҳолаб, сўнг ҳаракат қилади. Муҳими, ўринсиз шикоят камаяди.

–Танлов адолатли олиб борилишини назорат қилиш учун қишлоқ оқсоқоллари, фаоллар, тажрибали деҳқонлардан иборат 13 кишилик жамоатчилик Кенгаши тузилди, - дейди туман тугатиш комиссияси раиси Расул Юсупов. –Ғолибларни аниқлашда уларнинг фикри ўта муҳим. Чунки бу вакиллар халқ орасида яшайди. Ким нимага қодир эканлигини беш қўлдек билади. Демакки, соҳага адашиб кириш ҳоллари уларнинг кўмаги билан барҳам топади.

Бугунги кунда "Бирлашган"даги фермерликка талабгорнинг 23 нафари шу ерда ишлаётган оила пудратчилари, 28 нафари фаолият юритаётган фермерлар, 49 нафари бошқа соҳада ишлаётган кишилар экан. Улардан қай бири танловда ғолиб чиқиб, ерга эгалик қилишини, албатта, вақт кўрсатади.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

БУГУННИНГ ГАПИ



# Об-ҳаво: деҳқончиликда танаффус йўқ

***Ҳамманинг оғзида шу гап: янги йилни оппоқ қор билан кутиб оламизми? Хўш, қишнинг нисбатан камёғин бошланишининг сабаби нимада? Республика Гидрометеорология маркази мутахассисларининг бу борадаги фикри қандай?***

- Об-ҳавони кузатувчи дунё мутахассислари якунланаётган 2005 йилни "Энг иссиқ йил", деб эътироф этишяпти, - дейди марказ бош синоптиги Бахтиёр Қодиров. – Уларнинг таҳлилларига қараганда, гидрометеорология хизмати тарихидаги энг юқори ўртача йиллик ҳарорат илк бор бу йил кузатилган. Буни мутахассислар экологиянинг таъсирида иқлимнинг ўзгариши билан боғлашяпти. Ҳавога зарарли газларнинг ҳаддан зиёд кўп чиқарилиши оқибатида Ернинг ўртача ҳарорати кўтарилган.

Республикамизда ҳам кейинги юз йил ичидаги юқори ҳарорат айни тугалланаётган йилнинг айрим кунларида қайд этилди. Яъни июн, июл ойларида нисбатан иссиқ ҳарорат кузатилди. Шунингдек, декабрнинг ўн саккизинчи санасида ҳам юртимиздаги ҳарорат 20 даражага етди. Бундай юқори ҳарорат 1981 йилнинг ушбу ойидаям кузатилганди. Ўшанда об-ҳаво 18 даража иссиқ бўлган. Демак, бу гал олдингисидан 2 даражага ошган.

- Иссиқ об-ҳавонинг боиси нимада? Бу ҳарорат қачонгача давом этиши мумкин?

- Ҳозирги ҳолат унча ваҳимали эмас, - сўзида давом этади суҳбатдошимиз. –Декабрнинг биринчи ярмида иқлим меъёрдан нисбатан пастроқ бўлди. Иккинчи ярмида эса юқорироқ об-ҳаво кузатиляпти. Сабаби, бу йилги Сибир антициклони бироз кучли бўлди.

- Яъни...

- Гидрометеорологияда циклон, антициклон деган атамалар бор. Циклонлар ёғингарчиликлар, шамоллар туриши каби ҳаво ўзгаришига сабаб бўлса, антициклонларда яхши об-ҳаво кузатилади. Сўз юритаётганимиз Сибир антициклонининг маркази Сибир бўлиб, у катта босим билан ниҳоятда кенг ҳудудни эгаллаган. Ўзбекистон бу тизимнинг жанубий-ғарбий қисмида. Антициклоннинг турғунлиги туфайли республикамизга циклонлар, совуқ ҳаво оқимлари кириб келолмаяпти. Европада эса бунинг акси.

Ҳозир Сибир антициклонининг марказидаги босим пасайиб бормоқда. Бу унинг йўналишини ўзгартириб, сурилаётганидан дарак. Демакки, ҳудудимизга бошқа ҳаво оқимлари кириб келиши учун йўл очиляпти.

- Аҳоли ўртасида декабр, январ ойлари ёғингарчиликларсиз ўтади, деган гап-сўзлар юрибди. Башорат ўзини оқлайдими? Умуман, башоратлар нечоғли ҳақиқатга яқин?

- Биласизми, об-ҳавонинг қандай келишини олдиндан айтиб бериш ўта мушкул. Баъзан кексаларнинг кузатиши тугул, илғор технологиялар асосидаги мутахассис хулосаси ҳам панд бериб қўяди. Негаки, табиат ҳодисаларининг кўп жиҳатлари ҳамон жумбоқлигича қолмоқда. Қиш-баҳор ойларида эса ҳарорат ниҳоятда турланувчан бўлади. Баъзан соат сайин ўзгаради. Тўғри, нуроний кишилар ўзларининг кўп йиллик кузатишларидан келиб чиқиб, бу йил иссиқ, ёки совуқ келади, қабилида башорат қилишади. Бу баъзида тўғри келса, баъзида йўқ. Шунинг учун, башоратларни мутлақ, деб қабул қилиш нотўғри, назаримда.

Декабрнинг биринчи ярмида ёғингарчиликлар бўлганига ҳамма гувоҳ. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё вилоятларида, тоғли ҳудудларда қор ҳам ёғди. Ўлчовларга қараганда, тоғларда қор қалинлиги ярим метрга етди. Одатда, республикамизда доимий қор қатлами ҳосил бўлиши январнинг иккинчи ярмида кузатилади. Қолаверса, Сибир антициклонининг сурилиши натижасида совуқ ҳаво оқими кириб келмоқда. Башоратларимизга кўра, декабрнинг сўнгги кунларида дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида, кейин бошқа ҳудудларда ҳам ёғингарчиликлар бўлиши кутиляпти.

- Бундай об-ҳаво қиш фаслининг чўзилишига сабаб бўлиши ҳам мумкинми?

- Олимларнинг таснифлашларига кўра, бизнинг иқлим Ўрта ер денгизи иқлимига яқин. Бунинг хусусияти шундаки, асосий ёғингарчиликлар қиш фаслида бўлади.

(Давоми 2-бетда)

# Инқироз ечими

ИҚТИСОДИЁТ

***Иқтисодиётни, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тармоқни янада эркинлаштириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий устувор вазифаси ҳисобланади.***

Ҳукуматимиз томонидан бу борада яратилаётган қулайлик ва имкониятлардан самарали фойдаланган тадбиркорлик субъектлари иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ишлаб чиқараётган товарлар, кўрсатаётган хизматлар бугунги бозорнинг тўкинлигини таъминламоқда. Айни пайтда бозор муносабатлари шароитида хўжалик иш фаолиятини тўғри танламаслик, қонун талабларига ўз вақтида тўлиқ риоя этмаслик оқибатида зарар кўриб қолаётган корхоналар ҳам йўқ эмас.

Таҳлиллардан аён бўладики, биргина Тошкент вилояти хўжалик суди томонидан жорий йилнинг дастлабки 11 ойи давомида ана шундай ночор аҳволга тушиб қолган 107 та тадбиркорлик субъекти истиқболсиз саналиб, банкрот деб эътироф этилган. Доимий равишда олиб борилган фаолият натижасида ушбу корхоналарнинг 70 таси ёки 68 фоизида тугатиш жараёни якунланиб, давлат реестридан чиқариш таъминланган.

–Таъкидлаш лозимки, банкрот деб эътироф этилган ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг қарийб 98 фоизини Устав фондида давлат ёки бошқа умумий мулк улуши мавжуд бўлмаган, хусусий мулкчиликка асосланган корхоналар ташкил этади. Қизиғи, уларнинг аксарияти қарзни қоплаш учун тегишли пул маблағларига ёки мол-мулкка эга эмас.

Турли сабабларга кўра банкротлик ҳолатларига тушиб қолган бу тадбиркорлик субъектларининг аҳволини соғломлаштиришга жиддий эътибор қаратилаётир.

Хусусан, бу борада Тошкент вилоят хўжалик суди томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# Қонунга хиёнат

***Бугунги кунда республикамизда кўплаб валюта айирбошлаш шохобчалари фаолият юритиб келмоқда.***

Бу, албатта, ҳукуматимизнинг фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида ташкил этган муҳим тадбирларидан бири саналади. Бироқ, таассуфланарлиси шундаки, бундай имкониятлардан фақат ўзининг шахсий манфаати йўлида фойдаланадиганлар ҳам йўқ эмас. Оқибатда улар бу каби жиноятлари туфайли жамият манфаатларига, иқтисодий ривожланишга жиддий зарар келтиришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти бу тоифадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қонуний чоралар кўриш учун амалий ҳаракатларни мунтазам ўтказиб туришибди.

Масалан, жорий йилнинг ўн бир ойи давомида Департамент идоралари томонидан ўтказилган назорат тартибидаги текширувлар бўйича валютага оид 514 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, шундан 218 таси бўйича жиноий ва 296 тасига маъмурий ишлар қўзғатилди.

Ноқонуний муомалада бўлган 374 минг 572 АҚШ доллари, 760 евро, 52 млн. Ўзбекистон сўми, 194 минг 200 Россия рубли, 576 минг 800 Қозоғистон тенгеси, 7 минг 700 Қирғизистон соми ва 1 млн. 805 минг Туркманистон манати миқдоридаги маблағлари далилий ашё сифатида олиб қўйилиб, давлат тасаррруфига ўтказилди.

Шу ўринда савол туғилади. "Қора бозор" ва валюта айирбошлаш шохобчаларидаги нархлар деярли тенглашганига қарамай нега ҳамон валютафурушлар пайдо бўлаяпти?

(Давоми 2-бетда)

«Qishloq hayoti» газетасига



2006 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи — 144

ТААССУФ

# Биродаркуш

***Ўша куни Шуҳрат маст ҳолда уйга кириб келди. Томорқада онаси Ҳакима опа ишлаб турган экан. Шу паллада уйдан укаси Фозил чиқиб қолди. Акасининг аҳволини кўриб, онасига "Акам уйнинг ишини кам қилади", дея ўпкаланди.***

Бу гап Шуҳратга оғир ботди. Ака-укалар ўзаро тортишиб кетдилар. Даҳанаки жанг, муштлашувни кўрган киши икковининг бир қориндан талашиб-тортишиб тушганига ақли бовар қилмасди. Шуҳрат боши ёрилган, кўзи кўкарган ҳолда уйига кириб кетди. То кеч соат бешга қадар уйдан чиқмади. Ухладими ёки жойида аламдан қўзғалиб ётдими, буниси ёлғиз ўзига аён.

Ака-укалар бир ҳовлида яшайдилар. Шундай экан, бир-бирларига юзма-юз келишлари аниқ.

– Нимага мени урдинг? – деди ғазабланган кўйи Шуҳрат укасига. – Эртага бу аҳволда ишга қандай бораман?

Бу гапдан сўнг яна ўртада жанжал чиқди. Фозил муштини ишга солди. Укасига бас кела олмаслигини англаган Шуҳрат шаҳд билан ошхонага кириб кетди...

(Давоми 2-бетда)

BANK

ХАЛҚ БАНКИ сизнинг оилангиз банки

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | БЕНЗИН (76) 521,4 ▲ + 6,8 | БЕНЗИН (80) 536,1 ▲ + 5,5 | БЕНЗИН (91) 600,6 ▲ +11,8 | ДИЗ.ТОПЛИВО 339,3 ▲ + 4,2 | МАЗУТ 92,1 ▲ + 19,2 | СЖ.ГАЗ 284,4 ▲ + 51,6 | МАСЛО ХЛОПК. 842,8 ▼ - 4,3 | САХАР 672,0 ▲ + 16,6 | МУКА выс.сорт 280,0 ▼ - 2,8 | |

ТАДБИРКОРЛИК:

# Имтиёз, имконият, равнақ

***Ўзбекистон — Марказий Осиёда гўшт, сут ва бошқа чорвачилик ҳамда паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш анъанавий тус олган мамлакат. 90-йилларнинг бошларига келиб бутун бошли ана шу етакчи соҳалардан бирида ҳам иқтисодий танглик бошланди: қорамолларнинг бош сони, қўй-эчкилар туёғи кескин камайиб кетди. Мамлакатдаги 14 та гўшт комбинатида ишлаб чиқариш тўхтаб қолди.***

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан чорвачилик ва паррандачиликни қайта тиклаш учун бир қатор имтиёзлар яратилди. Фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар кўрилди. Натижада 1995-96 йилларга келиб чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдаги камайиш тамойилига чек қўйилди.




–Чорва маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисосланган бизнинг корхонамиз ҳам секинлик билан ишлаб чиқаришни қайтадан тиклашга киришди, бунда мулкчилик турининг ўзгартирилиши асосий ўрин тутди, - дейди "Чирчиқгўшт комбинати" агрофирмасининг директори Отабек Ғуломов. – Айниқса, шу йил корхонанинг хусусийлаштирилиши уни танг аҳволдан олиб чиқишга йўл очди. Ўтган тўққиз ой мобайнида инвестиция киритилганлиги боис бутун ишлаб чиқариш қувватлари қайта таъмирланди, айрим технологик жараёнлар мутлоқо янгиланди.

Натижада корхонада гўшт икки ярим баробар, колбаса тайёрлаш икки ҳамда мулкий ишлаб чиқариш қуввати беш баробардан ошди. Яъни, саккиз ой мобайнида 440 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди.

Албатта, бунинг учун тинмай изланишга, бутун ишлаб чиқариш занжири узлуксиз ҳаракатда бўлиши учун ҳамма чора-тадбирларни олдиндан кўришга тўғри келади.

## ИНТИЛИШ

–Шу мақсадда корхонамиз ўз бўрдоқичилик базасига эга бўлиши учун кўп ҳаракат қилди, - сўзини давом эттиради директор. –Ҳозирда Янгибозор ва Саксон отада чорвачилик фермамизни ташкил этганмиз. Ёлғиз Саксон отанинг ўзидаги фермамизда 400 бошдан зиёд қорамол парвариш қилишга мўлжалланган. Янгибозор фермасининг қуввати эса 700 бош чўчқа, 150 бош қорамол парваришлашга етади. Чирчиқ шаҳрининг ўзидаги фермамизда 1200 бош чўчқа, 600 бош қорамолни бўрдоқига боқишни мўлжаллаяпмиз.

Бу даражага эришиш осонликча бўлгани йўқ. Аввало, барча бўрдоқичилик фермаларида ишлаб турган мажмуалар қайта таъмирланди. Омборлар барпо этилди, газ, сув ва иссиқлик таъминоти узлуксиз йўлга қўйилди. Натижада, сентябрь ойига келиб бўрдоқига боқилаётган қорамолларни 510 бошга, чўчқаларни 600 бошга етказишга муваффақ бўлинди. Парваришнинг тўғри ташкил этилганлиги туфайли чорвадорлар қорамолларнинг ўртача тирик вазнини 350, чўчқаларнинг тирик вазнини 110 килограммга етказишга эришишаётир.

Яна бир янгилик шундан иборатки, агрофирма раҳбарияти чўчқалар бош сонини кўпайтириш учун немис зотли чўчқалар сотиб олди. Уларни кўпайтириб, бош сонини 2000 тага етказиш учун ҳаракат кучайтирилаяпти.

Республикамизда паррандачиликни ривожлантириш учун катта имтиёзлар ва янгиликлар яратилмокда. Натижада етти хазинанинг бири бўлган бу соҳа ҳам ривож топиб, қайта ишлаш корхонаси учун хомашё базаси кенгаймоқда. Шуни ҳисобга олиб, "Чирчиқгўшт комбинати" агрофирмаси шаҳар яқинидаги паррандачилик фабрикасини сотиб олишни режалаштирган. Бу эса корхона ўзининг муҳим хомашё базасини муттасил кенгайтириб бориши учун имкониятларни анча оширади.

Ўз бўрдоқичилик базасининг ривожланиб бориши корхонанинг ишлаб чиқариш мароми ортиб, истеъмолчиларга гўшт ва бошқа маҳсулотларни узлуксиз етказиб беришга кенг йўл очаяпти. Бундан ташқари, корхона Тошкент вилоятидаги фермер хўжаликлари билан шартнома асосидаги ҳамкорлик кўламларини тобора кенгайтирмоқда.

–Гўштни қайта ишлаш жараёнида кўпдан-кўп қўшимчалар, зираворлар талаб қилинади, - дейди директор Отабек Ғуломов. –Уларни хиллари бўйича олиб туриш учун "Атлантис Пак", "Белкозин", "ГеоМакси", "Матимекс" сингари фирмалар билан ҳамкорлик қилаяпмиз. Улар Ўзбекистонда ўз дистрибьютерларига эга эканлиги биз учун катта қулайликлар туғдираяпти.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш маркетингни кенгайтириш, бозорлардан ўз муносиб ўрнини эгаллаш орқалигина ривожланади. Бунинг учун "Чирчиқгўшт комбинати"да катта имкониятлар бор. Аввало, "нарх-наво" нисбатини мувофиқлаштириш орқали бозорга дадил кириб борилаяпти. Ҳозирда мамлакатдаги қўшма ва хусусий корхоналар колбаса маҳсулотларига бўлган талабнинг фақат 60-70 фоизини қондираяпти. Шуни ҳисобга олиб, агрофирма колбаса ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш чораларини кўраяпти. Шу мақсадда маҳсулотларни қадоқлаш, фирма магазинлари тармоғини кенгайтириш чоралари кўриляпти. Тошкент шаҳри, вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида 21 та фирма магазини очиш режалаштириляпти. Уларга маҳсулот махсус замонавий ускуналанган машиналарда етказиб берилади.

"Чирчиқгўшт комбинати" агрофирмаси юксалишда. Унинг ривожланиши мамлакатда хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш учун кенг йўл очилаётганлиги, янги-янги имтиёзлар яратилганлигининг самарасидир.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА**




ООО "BARQAROR HIZMAT" намерено приобрести 26700 шт. простых безналичных акций "TOSHKENT TA'MIRLASH QURILISH" ОАЖ г.Ташкента, расположенного по адресу г.Ташкент, ул.Шахрисабзская, 21-А. Пакет акций составляет 34,988 % от Уставного фонда эмитента.

ООО "UVENTA-PLUS" г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 442758900 сум до 168100000 сум. Адрес: ул.А.Навои, торговые ряды. Тел.: 120-44-62.

Утерянная круглая печать, выданная СП "REYHAN TIL" расположенная в Яккасарайском районе г.Ташкента, считать недействительным.



# “Саодат”нинг саодатли йўли

***Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий адабий-бадиий безакли журнали “Саодат” ўзининг саодатли йўлини босиб ўтди.***

Унинг илк сони – “Янги йўл” 1925 йилнинг декабр ойида муштарийлар қўлига теккан эди. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон аёллари ҳаётини акс эттирган “Саодат” хонадонларга кириб борди.

Яқинда журнал ташкил этилганлигининг қутлуғ санасига бағишланган сони нашрдан чиқди.

Журналнинг илк саҳифасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Светлана Иномова “Авлодлар мураббийси” сарлавҳали мақолада “Саодат”нинг юртимиз хотин-қизлари маънавий ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўз юритиб, ўз самимий тилакларини билдирган.

Муштарийлар ушбу сонда “Саодат”нинг ўтган давр фаолиятига бир қур назар ташлайдилар. “Масъул муҳаррирларимиз” рукнида журналга раҳбарлик қилган ва бошқа масъул вазифаларни бажарган кўплаб ижодкорлар ёдга олинган, уларнинг ҳаёт ва ижод йўллари ҳақида лавҳалар берилган. Журнал Бош муҳаррири Ойдин Ҳожиеванинг “Саодат” сизнинг минбарингиз, овозингиздир” мақоласида эса журналнинг бугунги кундаги фао-



лияти ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилинади.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг “Ҳар биримиз ўз йўлимиз билан” сарлавҳаси остида берилган дил сўзлари ва туркум шеърлари мухлисларга ажойиб тухфа бўлган, дейиш мумкин. “Саодат” бағрида камол топганлар” рукнида муштарийларга бир гуруҳ таниқли журналист ижодкорларнинг самимий тилаклари йўлланган.

**САНА**

Халқимизнинг севимли ёзувчиси Одил Ёқубов айни кунларда “Осий банда” номли йирик насрий асар устида ишламоқда, журнал саҳифаларида ана шу янги асардан парча ўрин олган. Журналист Д.Исмоилованинг Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов билан “Опам ҳадя этган тор” сарлавҳали суҳбати санъат ихлосмандларини хушнуд этиши шубҳасиз.

Ҳуқуқшунос Х.Қурбонованинг оила ва ҳуқуқ мавзусидаги “Никоҳнинг тугатилиши” мақоласи ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Шунингдек, журнал саҳифаларидан О.Ҳусановнинг “Ўлим жазосини бекор қилиш”, З.Ваҳобованинг “Аёл ҳамиша сирли”, Қ.Раҳимбоеванинг “Қирқ уруғли қўнғирот”, М.Абдулфайзнинг “Кўкламида сарғайган дарахтлар” мақолалари, Ш.Исахонованинг “Фоний дунё” романидан парчалар ва бошқа қизиқарли материаллар ўрин олган.




## Чемпионлик кимга насиб этади?

***“William Hill” букмекерлик идораси УЕФА кубоги ғолиблиги учун белгиланган ставкаларни оммага эълон қилди.***

Англиялик букмекерлар бу мавсумда УЕФА кубоги Германиянинг “Гамбург” жамоасига насиб этади, деб ҳисоблашмоқда. Мазкур жамоанинг имконият даражаси 8,5 га 1 сифатида баҳоланган. Шуниси қизиқки, турнирни давом эттириши лозим бўлган 32 жамоа ичидан иккинчи поғона ҳам “немис машинаси” “қисмларидан бири”-га лойиқ кўрилмоқда. Франциянинг “Монако” жамоаси билан имконияти бир хил (11 га 1), дея баҳоланаётган “Шальке-04” жамоаси, букмекерлар фикрича, йўқ деганда, финал иштирокчиси бўлиши мумкин экан. Курашни давом эттираётган икки рус жамоаси – Москванинг “Локомотив” ҳамда Санкт-Петербургнинг “Зенит” клубларининг ғолиб бўлишини эса букмекерлар “агар мўъжиза юз бермаса...” сифатида белгиланган. Питерликлар 34 имкониятдан 1, “темирйўлчилар” эса 41 га 1 имконият билан баҳсларни давом эттиришлари башорат қилинмоқда. Европанинг чемпионлар лигаси баҳсларидан бир қатор номдор клубларни чиқариб юбориб, анчайин шов-шувга сабаб бўлган Швейцариянинг “Тун” жамоаси, агар букмекерларнинг башорати тўғри чиқса, 1/8 ўйинларини томошабинлар сафида кузатиши аниқ.



## “Милан” янги ўйингоҳ қурмоқчи

***Ўтган ҳафтада “россонерлар” клуби вице-президенти Андриано Галлиани жамоа келажакда “Сансиро” стадионини тарк этишини билдирди.***

–Дунёга донғи кетган икки машҳур клубнинг битта ўйингоҳни “ўзиники” ҳисоблаши бугунги кунда анчайин кулгилидир, - деди у жумладан. – Биз ҳозирданоқ келажак стадиони лойиҳаси устида иш олиб боряпмиз. Режамизга кўра, янги ўйингоҳ камида Германиядаги “Арена Ауф Шальке” даражасида бўлади. Насиб этса, “Милан” яқин йилларда рақибларини ҳомий компания номини олиши кўзда тутилаётган муҳташам стадионда қабул қилади.

## Муддатидан илгари бошланган «жанг»

***Ўта оғир вазн тоифасида Халқаро бокс кенгаши (WBC) версияси жаҳон чемпиони Хасим Раҳмон ҳамда чемпионликка даъвогар Жеймс Тони ўртасида ўтказилиши белгиланган “жанг” бироз олдинроқ бўлиб ўтди.***

Ушбу ҳодиса Мексикадаги отелларнинг



бирида юз берди. Don King Productions промоутерлик компанияси матбуот хизматининг маълум қилишича, Жеймс Тони тележурналистларга интервью бераётган чоғда отел фойесига бостириб кирган Хасим Раҳмон ҳе йўқ-бе йўқ рақибини аямай дўппослай кетган. Натижада ўзини ҳимоя қилишга мажбур бўлган Тони Раҳмоннинг орқа мия қисмига зарба бериб, “жанг”нинг авж олишига замин туғдирган. “Бир раунд давом этган” ушбу баҳс ўн беш дақиқадан кейин, йигирмага яқин маҳаллий полиция вакилларининг аралашуви билан базўр тўхтатилган. WBC версияси ижрочи котиби Маурицио Сулаймоннинг таъкидлашича, муддатидан илгари бўлиб ўтган жангда боксчилар жиддий жароҳат олишмаган.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ** тайёрлади.


# “Ғаллабанк”нинг Сурхондарё филиали жамоаси

Ҳамюртларимизни, ўз мижозларини кириб келаётган

Янги йил байрами

билан чин дилдан муборакбод этади.

Ватандошларимизнинг мамлакатимиз тараққиёти йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларига равнақ тилаб, жами 13 хил, жумладан қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

“Имконият”
- муддатли
- сақлаш муддати – 6 ой
- фоиз даромадлари йилига - 20,4 %
- бошланғич бадал - 10.000 сўм

“Янги йил”
- муддатли
- сақлаш муддати - 45 кун
- фоиз даромадлари йиллик - 35 %
- бошланғич бадал - 200.000 сўм

“Ишонч”
– муддатли
- сақлаш муддати - 3 ой ва 3 йил (тегишлича)
- фоиз даромадлари йиллик - 20,4 ва 22,8 %
- бошланғич бадал - 10.000 ва 5.000.000 сўм

Тел. 227-51-67, 227-58-79



Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "ILM KONSULTANS" масъулияти чекланган жамияти тугатилмоқда. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 157-22-55.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 31 январда "IN EXIM" масъулияти чекланган жамиятига берилган № 000865 (реестрдаги тартиб рақами № 04-0000865) рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "ROYAL-EXKLUSIVE" хусусий корхонаси "ROYAL-EXKLUSIVE" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 67-34-76.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "JALIL OTA" фермер хўжалиги Устав фондини 43729088 сўмдан 100000 сўмгача камайтирганлигини маълум қилади.

ДХО "ZAFAR-TRANS" Хамзинского района г.Ташкента сливается в АООТ "Таштройтранс" Чиланзарского района. Правоприемником является АООТ "Таштройтранс". Претензии принимаются в течении месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 173-92-08.

Утерянные круглую печать и угловой штамп кооператива "SILENA" и ООО "SILENA" г.Ташкента, считать недействительным.





Азиз юртдошлар!

# Акциядорлик тижорат “Пахта банк”



Сизларни тобора яқинлашиб келаётган Янги 2006 йил билан чин дилдан қутлайди ва Сизларга миллий валютадаги жамғарма ва муддатли омонатлари билан биргаликда

“АҚШ ДОЛЛАРИДАГИ МУДДАТЛИ”

омонатини ҳам таклиф этади.



АҚШ долларида омонатга нақд пул қўясиз ва АҚШ долларида нақд фоизи билан оласиз!

*Омонатнинг сақлаш муддатлари 3 ойдан – 3 йилгача бўлиб, муддатига мутаносиб равишда йиллик 6 фоизгача даромад тўланади.*

*Шу билан бирга эслатиб ўтамиз, йиллик 34 фоиздан 37 фоизгача даромад тўланадиган Мўъжиза, Имконият, Орзу, Кафолат, Обод юрт каби муддатли омонатларга бўш пул маблағларни қабул қилиш давом этмоқда!*

Янги йилингиз омадли келсин!

“Пахта банк” - фаровонлигингиз калитидир!



## Мевали боғларга эгалик қилинг!

Республика кўчмас мулк биржаси Навоий вилояти филиали ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари Республика кўчмас мулк биржасининг марказлаштирилган электрон биржа савдоларига чиқарилган мулкларнинг савдоларига таклиф этади

1. Навбаҳор туманидаги қайта ташкил этилаётган “Янгиқўрғон” ширкат хўжалигига қарашли мевали боғлар

| Лойиҳа номери | контури | Ер майдони (га) | Баҳоси (сўм) | Лойиҳа номери | контури | Ер майдони (га) | Баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 24 | 24 | 1,4 | 1050000 | 36 | 19 | 1,1 | 825000 |
| 25 | 22,21 | 2,0 | 1500000 | 37 | 19 | 1,1 | 825000 |
| 26 | 21 | 1,1 | 825000 | 38 | 32 | 1,7 | 1275000 |
| 27 | 21 | 1,1 | 825000 | 39 | 102,108,98 | 5,7 | 4275000 |
| 28 | 21 | 1,1 | 825000 | 40 | 161 | 1,8 | 1350000 |
| 29 | 21 | 1,6 | 1200000 | 41 | 161 | 0,7 | 525000 |
| 30 | 21 | 1,1 | 825000 | 42 | 117,116 | 7,1 | 5325000 |
| 31 | 20 | 1,1 | 825000 | 43 | 237 | 1,1 | 825000 |
| 32 | 20 | 1,0 | 750000 | 44 | 226 | 2,25 | 1687500 |
| 33 | 20 | 1,0 | 750000 | 45 | 222 | 1,1 | 825000 |
| 34 | 20 | 1,1 | 825000 | 46 | 222 | 1,5 | 1125000 |
| 35 | 20 | 2,4 | 1800000 | 47 | 295,296 | 1,6 | 1200000 |

Савдоларда РКМБда рўйхатдан ўтган малакали брокерлар объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўлади.

**ЭСЛАТМА:** РКМБ элекрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб, нархлар эркин нархда шаклланади.

Мурожаат учун манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси, 24-уй.

Тел.: (8-436)22-4-44-01, 22-4-64-31, 22-4-15-61.



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: С. РАҲМОНОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Мусаҳҳиҳ: Б. ҚОДИРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба (“Ҳаёт”-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-219, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: 21.00
Адади -9375

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 3456